

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**"Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi"**  
**aksiyadorlik jamiyati яғона**  
**акциядорининг**

**2019 йил \_\_\_\_\_-сонли**

**Қарори билан**

**“TALIMARJON ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” АЖ ДА МАНФААТЛАР  
ТЎҚНАШУВИ ХОЛАТИДА ХАРАКАТЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОИДАЛАР**



## МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Атама ва аниқловлар
- III. “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ да манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари
- IV . Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш сабаблари (шартлари)
- V. Ижросидан манфаат мавжуд бўлган битимларни амалга оширишдаги чекловлар
- VI . Юзага келган манфаатлар тўқнашуви борасидаги тафсилотларни қабул қилиш ва ушбу тафсилотларни кўриб чиқиш учун масъул бўлган шахслар
- I. VI Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш
- II. VI “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ ходими томонидан манфаатлар тўқнашувини фош қилиш тартиби ва уни тартибга солиш
- IX . Манфаатлар тўқнашувини фош этиш ва тартибга солиш муносабати билан, ходимларнинг мажбуриятлари
- X. Ишчи-ходимларнинг жавобгарлиги

Мазкур “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” акциядорлик жамияти (кейинги матнларда жамият деб юритилади)да манфаатлар тўқнашуви ҳолатида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Қоидалар (матндан кейинда “Қоидалар”), Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Корпоратив бошқарув Кодекси ва жамиятнинг бошқа ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, жамият юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш тартиби ва тартибга солишни белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларнинг асосий вазифаси, ходимларнинг улар томонидан амалга оширилаётган функционал (мехнат) мажбуриятлари, қабул қилинаётган қарорлардаги хусусий манфаатларнинг таъсири ва шахсий манфаатини чеклаш ҳисобланади.

Жамият фаолиятини олиб боришда, Биржа (унинг бошқарув ва назорат

органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) нинг мол-мулкка оид ёки бошқа манфаатлари орасидаги қарама-қаршиликлари юзасидан ёки кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозларнинг (матндан кейинда - Мижозлар) бошқа манфаатлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин, қачонки жамият бошқарув ва назорат органлари, ва/ёки ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Мижознинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиш ҳолларига йўл қўйилган бўлса.

Бундан ташқари, жамият акциядорлари манфаатлари ва жамият бошқарув ва назорат органлари манфаатлари, акциядори (лари) манфаатлари орасида манфаатлар тўқнашувининг эҳтимоли бор (корпоратив манфаат).

2. Ушбу Қоидаларда, манфаатлар тўқнашувининг қуйидаги ҳолларда юзага келиши кузатилади:

кўп улушларга эгалик қилувчи акциядорлар (йирик пакетли улушларга эгалик қилувчи акциядорлар) ва кам улушларга эгалик қилувчи акциядорлар (унча кўп бўлмаган сонли улушларга эгалик қилувчи акциядорлар) орасида.

Жамият бошқарув органлари ва унинг акциядори (лари) ўртасида

Жамият бошқарув ва назорат органлари, жамият мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлари орасида.

3. Қоидалар кучи жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, ҳамда жамият нинг барча ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жамият билан ҳамкорлик қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан амал қилади.

## II. АТАМА ВА АНИҚЛОВЛАР

4. Мазкур Қоидаларда қуйидаги атама ва аниқловлар қўлланилади:

**Жамиятнинг Бошқарув органлари** - Акциядорлар умумий мажлиси, Кузатув кенгаши ва Бошқарув саналади.

**Жамиятнинг Назорат органлари** – Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати ва Корпоратив маслаҳатчи.

**Мижоз (контрагент)** - меҳнат муносабатларидан ташқари жамият билан шартномавий муносабатларга кирувчи ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс.

**ходимнинг шахсий манфаати** – ходим томонидан ўзининг лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида ўзи учун учинчи шахслар учун пул ёки натура шаклидаги (ҳажми, тури ва қийматидан қатъий назар) фойдани ноқонуний равишда олиш эҳтимоли.

**махфий ахборот** – кириш қонунчилик билан чекланган ҳужжатлаштирилган маълумотлар.

**аффилиланган шахслар** – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 85-моддасига биноан тан олинган шахслар.

**манфаатлар тўқнашуви** - жамият ходимининг (бевосита ёки билвосита) шахсий манфаати, унинг томонидан амалга ошириладиган лавозим (меҳнат) мажбуриятларининг тегишлича ижросига таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва бунда ходимнинг шахсий манфаати билан ташкилотнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари орасида тафовутлар келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган, ҳамда жамиятнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, мол-мули ва/ёки бизнес обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳолатлар.

**оила аъзолари** – ходимнинг болалари, ота-онаси, турмуш ўртоғи, ака-укалари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғининг ота-онаси.

**қариндошлар** – оиланинг бошқа аъзолари.

### III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ишлар асосига, қуйидаги тамойиллар қўйилган:

ҳаққоний ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумотларни очиш мажбурияти

ҳар бир манфаат тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришда жамият учун обрўсига путур етказиши мумкин бўлган таваккалчиликларни индивидуал тарзда кўриб чиқиш ва баҳолаш

манфаат тўқнашуви ва уни бошқариш жараёни тўғрисида ахборотларни очиш жараёнининг махфийлиги

манфаатлар тўқнашувини бошқаришда жамият ва ходим манфаатлари мувозанатини сақлаш

ходим томонидан жамият да ўз вақтида очилган ва бошқарилган (олди олинган) манфаат тўқнашуви ҳақидаги хабар муносабати билан уни таъкиб қилинишдан ҳимоя қилиш.

#### IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ)

6. Жамиятнинг йирик ва майда пакет улушлар эгалари бўлмиш акциядорлар, ёки жамият Бошқарув органлари ва акциядорлари орасида келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви, қуйидагилар натижасида келиб чиқиши мумкин:

қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик

майда пакет улуш акциядорларининг жамият фаолияти ва акциядорлар умумий мажлиси ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга сезиларли таъсир қила олмаслиги бошқарувнинг ваколатли органларининг дастлабки рухсатисиз, йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш.

бошқарув органлари томонидан, жамиятнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштишга олиб келиши мумкин бўлган қарорларнинг қабул қилиниши

Жамият Бошқарув органлари сафига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотларда бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари ва бошқа жамиятларда улушларга эгалик қилишлари тўғрисидаги ахборотларни амалдаги қонунчиликка биноан бермаслик ёки нотўлиқ шаклда тақдим этиш.

7. Бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва Мижозлар орасидаги манфаатлар тўқнашуви қуйидагилар натижасида келиб чиқади: қонунчилик, жамият таъсис ва маҳаллий ҳужжатларига риоя қилмаслик Мижоз манфаатларининг жамият манфаатларидан кўра имтиёзлилик тамойилига риоя қилмаслик иш юзасидан мулоқот меъёрлари ва касбий одоб тамойилларига риоя қилмаслик

Жамият ва Мижоз томонидан келишув мажбуриятларнинг бажарилмаслиги қонунчилик ва жамият маҳаллий ҳужжатлари билан белгиланган мажбуриятларни адо этмасли

8. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви қуйидагилар натижасида келиб чиқади:

қонунчилик ва жамият ички ҳужжатлари талабларини бузиш

иш юзасидан мулоқот меъёрлари ва касбий одоб тамойилларига риоя қилмаслик ўзи томонидан, ёки оила аъзолари томонидан тижорат фаолияти билан шуғулланиш жамият иш юзасидан алоқалар ўрнатган бирор бир бошқа компанияда молиявий манфаатларнинг мавжудлиги бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс ёки унинг бошқарув органида иштирокчи сифатида ўриндошлик асосида ишлаш

ўзининг шахсий манфаатларига мувофиқ, жамият манфаатларига путур етказиб бошқа ташкилотларга иш юзасидан имкониятлар очиб бериш.

#### V. ИЖРОСИДАН МАНФААТ МАВЖУД БЎЛГАН БИТИМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

10. Жамият Кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари ва акциядорининг аффилиланган шахслар билан биргаликда 20 ва ундан ортиқ жамиятнинг овоз берувчи улушларига эга шахслар,

ҳамда жамиятга мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга шахслар манфаати бўлган битимлар (шу жумладан қарз, заем, кредит, гаров, кафолат) кабилар жамиятда ЎзРес “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 9 бобига биноан амалга оширилади. Кўрсатилган шахслар жамият да амалга ошириладиган битимларни тузишдан манфаатдор деб ҳисобланадилар, агарда улар, уларнинг турмуш ўртоқлари, болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари ва/ёки аффилиланган шахслар:

битим тарафи, фойда олувчиси, воситачи ёки вакил бўлсалар;

(ҳар бирлари ёки алоҳида ўзлари) битим тарафи, фойда олувчиси, воситачи ёки вакил бўлган юридик шахснинг 20 ва ундан ортиқ улуш (пай, акция) лари эгалари бўлсалар;

битим тарафи, фойда олувчиси, воситачи ёки вакил бўлган юридик шахснинг бошқарув органлари, ва ушбу юридик шахсни бошқарувчи ташкилотнинг бошқарув органларида лавозимлар эгалласалар

жамият уставида белгиланган бошқа ҳолларда.

11. Манфаатли битимларни тартибга солиш мақсадида, кўрсатилган шахслар зиммасига жамият Кузатув кенгаши, Бошқаруви, Тафтиш комиссияси ва ички аудиториға, ушбу шахслар ва кутилаётган битимлар тўғрисида ахборот бериш вазифаси юклатилади.

12. Манфаатли битимларни амалга оширишдаги асосий чеклов бу уни бевосита маъқуллаш бўлиб, у ЎзРес “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 9 бобига биноан амалга оширилади.

13. Мазкур талаблар шунга ўхшаш битимларни амалга оширишдаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чораси бўлиб, барча манфаатдор шахслар учун тузилажак битимларнинг софлигини таъминлайди.

## VI. ЮЗАГА КЕЛГАН МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ БОРАСИДАГИ ТАФСИЛОТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УШБУ ТАФСИЛОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН МАСЪУЛ БЎЛГАН ШАХСЛАР

14. Юзага келган (мавжуд бўлган) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумотлар бериш учун масъул бўлиб қуйидаги шахслар ҳисобланади:

ҳодим ўзининг меҳнат фаолиятини олиб борадиган жамият нинг  
структуравий бўлинмасининг бевосита раҳбари

Ички аудути хизмати ходими Юридик хизмат Бошлиғи

Ишчи-ҳодимларни бошқариш хизмати бошлиғи

Назорат бўлими Бошлиғи

15. Манфаатлар тўқнашуви ҳақида, масъул шахслар жамият нинг Бошқарув Раисига хабар берадилар ва Раис юзага келган ҳолатни тартибга солиш бўйича ижроси мажбурий бўлган кўрсатмалар беради.

## VII. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

16. жамият нинг мулкӣ манфаатлари ва бизнес обрўсини сақлаш, химоя қилиш ва муҳофаза қилиш бўйича амалдаги механизмлардан бири бу – манфаатлар тўқнашувининг олдини олишдир.

17. Турли хилдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида, Бошқарув органлари, назорат органлари ва жамият нинг мансабдор шахслари ҳамда

ходимлари қуйидаги мажбуриятларга эгалар:

қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва жамият нинг низом ва ички ҳужжатлари

талабларига риоя қилиш

ҳолатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажаришдан ва қарорлар қабул қилишдан сақланиш

жамият нинг самарали бошқарувини таъминлаш

жамият нинг қонунга қарши фаолият, шу жумладан жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш каби фаолиятни амалга оширишга жалб қилиниш имкониятини инкор этиш.

товарлар (иш ва хизматлар) ни ишлаб чиқаришда максимал кутилган натижа (самара) ни таъминлаш

хар чоракда бошқарув органларига қонунчиликка биноан ҳисобот бериш

жамият Низоми ва маҳаллий ҳужжатларига кўра, ички ва ташқи назоратни амалга ошириш

кузатув кенгаши эътиборига, қиймати қонунчиликда ва жамият Низомида

белгиланган қийматдан ошган йирик битим, алоҳида битим ва бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни ҳавола этиш

назорат органлари томонидан йирик битимлари ва аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни амалга ошириш шартларини ўрганиш

зарур ҳолларда, кузатув кенгаши томонидан қонунчилик талабларига биноан битимларни амалга ошириш тўғрисидаги қарорларни маъқуллаган ҳолда, мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилиш.

аффилиланган шахслар тўғрисидаги ахборотларнинг ҳисобга олинишини таъминлаш битимларнинг қуйидаги шахслар томонидан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибига риоя қилинишини таъминлаш:

а) аффилиланган шахслар

б) жамият акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан жамият нинг ваколатли органларининг дастлабки маъқулловисиз аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузмаслик

жамият Кузатув кенгаши розилигисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимлар эгалламаслик

жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни амалдаги қонунчилик ва жамият Ахборот Сиёсати тўғрисидаги Қоидаларга биноан кўшимча ахборотларни очишни амалга ошириш.

бухгалтерия ҳисоботи ва Акциядор ва мижоз, кузатувни назорат қилувчи орган ва бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим этиладиган бошқа чоп этиладиган ахборотнинг ҳаққонийлигини таъминлаш

жамият да мавжуд бўлган ахборотни олишга ҳақли бўлган шахслар томонидан бундай ахборотдан ўз шахсий мақсадида фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

ўз вақтида, жамият ҳақидаги О.А.В. ва бошқа манбалардаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва дахлсизлигини кўриб чиқиш. Салбий ёки нотўғри ахборотнинг пайдо бўлиш факти бўйича ўз вақтида жавоб бериш.



жамият нинг ўрта муддатли ва узок муддатли даврда даромадлилика эришишнинг барқарорлигини таъминлаш

жамият Ички назорат тизимидаги камчиликларни бартараф этишда иштирок этиш

жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофот пулларининг тенг бўлишини таъминлаш ва уларнинг жамият молиявий фаолияти, ҳамда эришилган натижаларнинг унинг режалаштирилган кўрсаткичларига қай даражада мос келишини таъминлаш.

касбий одоб тамойилларига риоя қилиш.

18. " TALIMARJON ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" АЖ акциядорлари, бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари орасидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида, жамият нинг акциядори (лари) бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагича мажбурдирлар:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун, меъёрий ҳужжатлар, жамият низоми ва ички ҳужжатларида белгиланган йирик ва кичик улуш пакетлари эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш.

акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида, жамият нинг аниқ ва асосли позициясини акциядорларгача ўз вақтида етиб боришини таъминлаш ўз вақтида ҳисобланган дивидендларни тўлаш.

тўқнашув предмети бўлиши мумин бўлган масалалар бўйича тугал ахборотни акциядорларга етказиш.

жамият билан рақобатбардош улуш (акция) ларни харид қилиш, ҳамда бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этишда амалга оширилишидан жамият бошқарув органлари аъзолари манфаатдор бўлган битимларни аниқлаш.

қабул қилинаётган бошқарувга оид қарорларнинг дахлсизлиги, меъёрланганлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун кузатув кенгашининг сафига мустақил аъзоларнинг қўшилишига ҳаракат қилиш.

19. жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан Мижозлар орасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида, жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари шунингдек, қуйидагича мажбурдирлар:

жамият тўғрисидаги ахборотнинг тегишли тартибда тақдим этилишини таъминлаш махфий ва бошқа турдаги муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш

Хизмат (товарлар) ни реализация қилиш ва Мижоздан, ўзаро келишилган асосдаги шартнома ёки маълумоти тўлиқ очилган тарифлар бўйича хизмат ҳақини ундириш жамият мижозлари манфаатларига мос келмайдиган битимларнинг амалга оширилишига йўл қўймаслик Ўз мижозлари учун товар (хизмат) ларни касбий савияда, ҳар томонлама ва

виждонан реализация қилиш, ҳамда имкон қадар молиявий самарадорлик нуқтаи назаридан, жорий бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда Мижознинг кўрсатмаларини адо қилиш.

Мижознинг яққол хатоси юз берганда, шахсий мақсадларда ходимлар томонидан онгли равишда фойдаланишини истисно этиш (шу жумладан, ариза, талабнома ва Мижоз

томонидан имзоланган бошқа ҳужжатда хато аниқланганда). Бундай хато аниқланганда, Мижоз кўрсатмаси билан жамият ходими хатоли буйруқнинг ижросининг олдини олиш бўйича зарурий ҳаракатларни амалга ошириши ва бу ҳақда миждозни бохабар қилиши шарт.

Мижозга бериладиган тавсияларнинг ушбу масала бўйича мавжуд бўлган ахборотнинг ҳаққоний таҳлилига асосланишини таъминлаш жамият бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахсларининг розилигисиз, жамиятда қоғоз, магнит ва бошқа турдаги ташувчиларда бўлган хизмат ёки тижорат сирини ташкил қилувчи ахборот сотиш, ўтказиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмаштириш ёки бошқа турдаги тарқатиш ва тиражлаш предметига айланмаслиги учун жамият фаолияти давомида яратилган, олинган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

20. Жамият ва мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида ўз лавозим бурчларини амалга ошириш вақтида манфаатлар тўқнашувинг олдини олиш мақсадида,

мансабдор шахслар ва ходимлар қуйидагича мажбурдирлар: бизнес мулоқот меъёрлари ва касбий одоб тамойилларига риоя қилиш тегишли тартибда шартномалар тузиш

жамият билан рақобатбардош ташкилотнинг улуш (акция) ларини харид қилиш нияти тўғрисида юқори турувчи шахс ва бошқарув ва назорат органларини бохабар қилиш

тўқнашувли ҳолатларни юзага келтирувчи вазиятларнинг келиб чиқиши тўғрисида юқори турувчи шахсни ўз вақтида хабардор қилиш

ёзма тарзда, юқори турувчи шахсни мансабдор шахснинг ўзи ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ва жамият билан тижорат фаолиятини олиб бораётган ёки олиб боришни режалаштираётган ташкилотлар тўғрисида хабар бериш

жамият ва мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатга эга ёки аффилиланган шахслар саналган ташкилотлар орасидаги алоқаларга бевосита таъсир қилиши мумкин бўлган бирор бир фаолиятдан сақланиш дастлаб, жамият ижро органи раҳбаридан манфаатлари жамиятнинг манфаатларига зид келмайдиган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун рухсатнома олиш.

муддатидан олдин, юқори турувчи шахсга, ўзининг бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш нияти ҳақида хабар бериш ва ушбу ишнинг жамият манфаатларига зид келмаслигини тасдиқловчи ахборотни тақдим этиш.

## VIII. Жамият ХОДИМИ ТОМОНИДАН МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ФОШ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

21. Манфаатлар тўқнашувини очиш жараёни жамият нинг барча ходимларига етказилади.

22. Манфаатлар тўқнашувини очишнинг қуйидаги турлари ўрнатилган, шу жумладан: ишга қабул қилишдаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тафсилотларни очиш янги лавозимга тайинлашдаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тафсилотларни очиш манфаатлар тўқнашуви вазиятлари келиб чиққанида тафсилотларни бир марталик очиб бериш жамият ходимларининг режали (режадан ташқари) аттестациясини ўтказиш жараёнидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тафсилотларни очиш

ходимлар томонидан Ушбу Қоидаларга №-1 Иловага биноан келтирилган шакл бўйича

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг хар йили тўлдирилиши.

23. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тафсилотларни очиш, ёзма тарзда амалга оширилади.

24. Манфаатлар тўқнашувининг кейинчалик ёзма тарзда очилиши шарти билан, уларнинг дастлабки оғзаки шаклда очилишига йўл қўйилади. Пайдо бўладиган (мавжуд) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тафсилотларни қабул қилиш учун масъул бўлган мансабдор шахс бўлиб – жамиятнинг назорат бўлими Бошлиғи саналади.

25. Ишга қабул қилишда, жамият Ходимларни бошқариш хизмати Бошлиғи, истиқболли ходимни жамият даги фаолият тўғрисидаги мазкур Қоидалар билан таништиради.

26. Жамият ўз зиммасига манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва тақдим этилган тафсилотларни махфий равишда кўриб чиқиш мажбуриятини олади. Келиб тушган ахборот – жамият учун пайдо бўладиган таваккалчиликнинг жиддийлигини баҳолаш ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг мос шаклини танлаш мақсадида бунга ваколати бор мансабдор шахс томонидан ҳар томонлама текширилиши шарт. Ушбу иш якунида, жамият шундай хулосага келиши мумкинки, ходим томонидан тафсилотлари тақдим этилган вазият, манфаатлар тўқнашуви эмас, ва оқибатда, тартибга солишнинг махсус усулларини

талаб қилмайди. жамият шунингдек, манфаатлар тўқнашуви содир бўлиши мумкин ва қуйидагилар қаторида уларни ҳал қилиш бўйича турлича усуллардан фойдаланиш мумкин деган хулосага келиши мумкин, шу жумладан:

ходимнинг шахсий манфаатларига таъсир қилиши мумкин бўлган аниқ бир тафсилотга киришини чеклаш

жамият ходимининг ўз ихтиёри билан раж этиши ёки унинг манфаатлар тўқнашуви таъсири остида бўлиши мумкин бўлган ёки мавжуд бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва муҳокама қилиш жараёнида иштирок этиш (доимий ёки вақтинчалик) четлаштириш.

ходимнинг функционал мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқиш ва ўзгартириш ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган функционал мажбуриятларни амалга оширишни назарда тутувчи бошқа лавозимга ўтказиш.

ходимнинг жамият манфаатларига зид келувчи шахсий манфаатларидан бош тортиши.

ходимнинг ўз ихтиёри билан ишдан бўшаши.

27. жамият манфаатлар тўқнашувининг намунали вазиятлари ва уларни бартараф қилиш усуллари рўйхати ушбу Қоидаларга №-1 Иловада келтирилган.

28. жамият манфаатлар тўқнашувининг намунали вазиятлари ва уларни бартараф қилиш усуллари рўйхати тугал саланмайди.

Ҳар бир ҳолат индивидуал тарзда кўриб чиқилади ва ушбу Қоидаларга биноан манфаатлар тўқнашуви деб тан олинishi мумкин.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда, ташкилот ва манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тафсилотларни очувчи ходим келишуви билан, уни тартибга солишнинг бошқа шакллари топилиши мумкин.

29. Мавжуд манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда, мавжуд вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тартибга солиш бўйича янада “енгилроқ” чорани танлаш лозим.

30. Зарурат туғилганда, янада қатъий чораларни қўллаш мумкин, ва қачонки, “енгилроқ” чоралар етарлича самара бермаса. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг аниқ усулини танлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда, ходимнинг шахсий манфаатининг аҳамияти ва ушбу шахсий манфаатнинг жамият манфаатларига зиён етказувчи тарзда амалга оширилиш эҳтимолини кўзда тутиш лозим.

#### IX. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ФОШ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН, ХОДИМЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

31. Жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашувини очиш ва тартибга солиш муносабати билан асосий мажбуриятлари, қуйидагиларни ўз ичига олади:

бизнес масалалар юзасидан қарор қабул қилганда ва ўзининг меҳнат мажбуриятларини адо этишда жамият манфаатларини раҳбарликка олиш – ўзининг, яқинлари ва дўстларининг шахсий манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда.

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолат ва вазиятларни инкор этиш.

юзага келган ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини очиш

юзага келган манфаатлар тўқнашувининг тартибга солинишига ёрдам бериш. даромадни ошириш ва харажатларни камайтириш йўли билан, умумий даромадлилиқнинг ортишига ҳаракат қилиш.

молиявий ва бошқа бизнес алоқалардан, шунингдек фаолияти жамият нинг самарали фаолиятига ҳалақит қилиши ва манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи сабабга айланиши мумкин бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларда иштирок этишдан сақланиш.

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолат ва вазиятлардан сақланиш.

32. Жамият нинг мансабдор шахсларига Кузатув кенгашининг розилигисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этиш таъқиқланади.

33. жамият ходимларига Бошқарув билан келишмай туриб, бошқа юриди шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этиш ва уларнинг таъсисчилари бўлишлари таъқиқланади.

34. жамият да юзага келувчи манфаатлар тўқнашувин тартибга солиш учун, жамият нинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосли бўлган ва жамият нинг манфаатларига мос келувчи қарорни қидириш мақсадида судга қадар жараёнларни амалга оширадилар.

35. Мансабдор шахслар, бошқарув ва назорат органлари, корпоратив котиб ва структуравий бўлинмалар номига мижоз ва акциядорлардан келиб тушган хат, ариза ва талабномалар (шу жумладан оғзаки) нинг ҳисобини юритишлари ва ўз вақтида кўриб чиқишлари шарт.

36. Корпоратив тўқнашувлар ҳисобини юритиш вазифаси – жамият нинг Корпоратив консултант (маслаҳатчи) си зиммасига юклатилади. жамият нинг Корпоратив маслаҳатчиси – корпоратив тўқнашувга дастлабки баҳони беради,

масала мазмуни бўйича зарурий ҳужжатларни тайёрлайди, ва келишувга кўра, жамият нинг кузатув кенгаши билан, уларни жамият нинг ушбу корпоратив тўқнашувни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органига кўриб чиқилиши учун топширади.

37. жамият Корпоратив маслаҳатчиси – акциядорларнинг тез тез учрайдиган масала ва талабларини таҳлил қилади, барча акциядорларга ушбу масалалар юзасидан қўшимча ахборотлар бериш зарурати тўғрисида қарорлар қабул қилади ёки уларни жамият Бошқаруви Раисига ички тартиб ва йўриқномаларни ўзгартириш, шу турдаги муносабатни келтириб чиқарувчи сабабларни баргараф этиш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш таклифини киритади.

38. Мижоздан ва бошқа манбалардан тўқнашувли вазият тўғрисида хабар олган ходим, ўша заҳотиёқ бу ҳақди ўзидан юқори турувчи шахсни хабардор қилиши керак. Тўқнашувни структуравий бўлинма даражасида тартибга солиш имконсиз бўлган тақдирда, бўлинма раҳбари бир иш куни ичида, Бошқарув Раиси ёки директорлардан бирига манфаатлар тўқнашуви, унинг келиб чиқиш сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисида хабар бериши керак. Бошқарув Раиси тўқнашувни тартибга солиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Агар зарур бўлса, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун комиссия тузилади.

39. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш иложсиз бўлган ҳолларда, Бошқарув Раиси масалани Бошқарув эътиборига хавола этади, ва тўқнашув тафсилотларини жамият кузатув кенгаши раисига юборади.

40. Ушбу тафсилотлар Кузатув кенгаши томонидан тўқнашувли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш мақсадида кўриб чиқилади.

41. Ўзининг бирор бир ривожланиш босқичида Бошқарув раиси ёки директорлар манфаатларига таъсир қилувчи тўқнашув тўғрисидаги тафсилотлар, уч иш куни ичида тўқнашувни тартибга солиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун кузатув кенгашига, ушбу масалани келгусида кўриб чиқиш ва хулоса чиқариш учун юборилади.

42. Агарда, тўқнашувни кўриб чиқиш натижасида, жамият нинг амалдаги маҳаллий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилса, Кузатув кенгаши ёки Бошқарув ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

43. Жамият нинг бошқарув органлари жамият да юзага келган манфаатлар тўқнашувининг турли хилларини тартибга солиш учун қуйидагича йўл тутишлари керак:

юзага келган манфаатлар тўқнашувини максимал тарзда тез аниқлаш ва уларнинг сабабларини топиш

жамият нинг бошқарув органлари ваколатлари ва масъулиятини аниқ чеклаш жамиятнинг ваколатли шахсини ёки зарур бўлса, тўқнашувни тартибга солиш бўйича комиссия тузиш.

жуда қисқа муддатларда, тўқнашувнинг мазмуни бўйича жамият нинг позициясини аниқлаш, тегишли қарорлар қабул қилиш ва тўқнашувнинг бошқа тарафига бу ҳақда хабар бериш.

тўқнашувнинг бошқа тарафига жамият позициясини аниқ асослайдиган тўлиқ ва ўринли жавобни, бунда тўқнашув иштирокчисининг талабини бажаришдан бош тортиш

ёки тўқнашув иштирокчисининг талабини қонунчилик, меъёрий ҳужжатлари, жамият акциядорлари умумий мажлиси томонидан тасдиқланган ички тартиб ҳужжатлари асосидаги хабарни юбориш.

тўқнашувни хал қилишда иштирок этаётган ваколатли шахснинг тўқнашув унинг, оила

аъзоларининг манфаатларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳоллар ҳақида ўша заҳотиёқ хабар беришини таъминлаш

манфаатлари тўқнашувга таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу тўқнашувни хал қилишда ва у бўйича қарор қабул қилишда иштирок этмасликларини таъминлаш

44. жамият акциядорлари ва бошқарув органлари орасидаги тўқнашувларни тартибга солиш учун:

кузатув кенгашининг мустақил аъзоси, жамият акциядорлари орасида юзага келган тўқнашувни тартибга солишда воситачи бўлиши мумкин.

жамият нинг ваколатли шахс ёки ваколатли органи акциядорлар орасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга тўқнашувга алоқадор бўлган маълумотни ва ҳужжатларни уларнинг эътиборига хавола қилиши, жамият нинг қонунчилик меъёрлари, низоми ва маҳаллий ҳужжатларини изоҳлаши мумкин.

жамият нинг ваколатли шахс ёки ваколатли органи акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беради, тўқнашувларни тартибга солиш бўйича ҳужжатлар лойиҳасини акциядорлар томонидан имзоланиши учун тайёрлайдилар, жамият номидан ўз ваколатлари доирасида тўқнашувни тартибга солишга кўмаклашувчи тарзда акциядорлар олдидаги мажбуриятларни қабул қиладилар.

жамият нинг ваколатли шахс ёки ваколатли органи ўз ваколатларига мос равишда, корпоратив тўқнашувни тартибга солиш бўйича қарор ижросини ташкиллаштириши ва жамият номидан тўқнашув иштирокчиси билан имзоланган келишувларни ижро этишга кўмаклашади. Агарда, тўқнашув тарафи ва жамият орасида ўз мажбуриятлари мазмуни юзасидан низо мавжуд бўлмаса, ва уларни ижро этишнинг тартиби, усули, муддати ва бошқа шартлари юзага келса, жамият тўқнашув иштирокчисига келиб чиққан низоларни тартибга солишни таклиф қилиши ва жамият нинг акциядор талабини қондиришга тайёр эканлигини батафсил келтириши керак.

агарда жамият нинг акциядор талабини қондириш бўйича розилиги ушбу тарафнинг қонун, Низом ёки жамият нинг бошқа маҳаллий ҳужжатларида назарда тутилган бирор бир ҳаракатларни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлса, жавобда якуний тарзда бу шартлар келтирилади, ҳамда уларнинг ижроси учун зарур бўлган ахборот ҳақида хабар берилади (мисол учун, акциядорлар томонидан талаб қилинган жамият ҳужжатлари ва банк реквизитлари нусхаларини тайёрлаш учун тўлов хажми).

45. Ушбу рўйхат якуний эмас. Хар бир алоҳида ҳолатда, манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш секторига қараб, тўқнашувни тартибга солишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

## Х. ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Ушбу Қоида талабларига риоя қилмаганликлари учун жамият ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва жамиятнинг маҳаллий хужжатларида кўзда тутилган интизомли ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.

47. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун масъул бўлган шахслар, ушбу ахборотларнинг жамият нинг ваколатланмаган ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан олиншига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўришлари керак.

## ХІ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48. Ушбу Қоидалар, шунингдек унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар, акциядорлар умумий мажлисида оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади.

49. Агарда ушбу Қоидаларнинг алоҳида меъёрлари, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият Низомига зид келса, ушбу моддалар ўз қонуний кучини йўқотади ва Ушбу Қоидага тегишли ўзгартиришлар киритилгунига қадар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган қисмларида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият Низоми меъёрлари билан раҳбарликка олинади.

“Talimarjon issiqlik elektr  
stansiyasi” АЖда манфаатлар  
тўқнашувида ҳаракатлар тартиби  
тўғрисидаги Қоидаларга

1-Илова

манфаатлар тўқнашув тўғрисидаги

ДЕКЛАРАЦИЯ

Ушбу декларацияни тўлдириш олдидан, мен жамият да манфаатлар  
тўқнашувида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Қоида ва жамият да махфий ахборотни  
ҳимоя қилишни ташкиллаштириш тўғрисидаги Қоидалар билан танишиб чиқдим.

(Ходим имзоси)

Кимга:

(Бевосита раҳбар Ф.И.Ш. ва лавозими



кўрсатилади)	
Кимдан: (Декларацияни тўлдирган ходим Ф.И.Ш.)	
Лавозими	
Тўлдирган санаси	
Декларация.....дан.....гача бўлган муддатни ўз ичига олади	Муддат кўрсатилади

*Қуйида келтирилган саволлар билан танишиб чиқиши ва саволларнинг ҳар бирига V – белгисини қўйиши орқали “ҳа” ёки “йўқ” жавобларини бериши. “ҳа” жавоби манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини мажбурий тарзда кўрсатмайди, аммо, бевосита раҳбар томонидан келгусида муҳокама қилиниши ва кўриб чиқилиши керак бўлган масалани аниқлайди. Барча “ҳа” жавобларига шаклнинг биринчи бўлими охирида келтирилган жойда изоҳ бериб ўтиши зарур.*

### 1-Бўлим

Савол		Ҳа	Ҳа Йўқ
1. Сизда ёки сизнинг номингиздан ҳаракат қилувчи шахсларда бевосита ёки бенефициарий сифатида, бирор бир улуш (акция ,пай) ёки бирор бир бошқа молиявий манфаатлар мавжудми?	“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ активларида		
	Ташкилот билан бизнес алоқалар юритувчи бошқа компанияда (контрагент, пудратчи, маслахатчи, мижоз ва ҳк.)		
	Рақобатчи компания ёки рақобатчи ташкилот-жисмоний шахс фаолиятида?		
2. Сиз “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ дан ташқари бирор бир бошқа ташкилот иштирокчиси (таъсисчиси) мисиз? Ташкилот номи ва иштирок % (лавозим, эгалик %) ни кўрсатин			
3. Сиз ёки сизнинг номингиздан фаолият юритувчи шахслар ижрочи директорлар (директор, директорлар муовинлари ва ҳк.), шунингдек, ходим, маслахатчи, консультант, агент ёки вакил сифатида ҳаракат қиласизларми?	“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ билан бизнес алоқаларга эга компанияда?		
	“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ нинг рақобатчи		

	компаниясида?		
	“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ билан суд ёки ҳакамлик аралашувида тараф сифатида ҳаракат қилувчи компанияда		
4. Сиз ҳозирда юқорида келтирилган фаолият турларидан ташқари, ташкилотнинг манфаатлари билан рақобатчи бўлган, аммо, бирор бир актив (мол-мулк), ёки бизнес ёки бизнес лойиҳаларни бегоналаштириш ёки харид қилиш билан чекланмай, бирор бир бошқа фаолият билан шуғулланасизми			
5. Сиз бирор марта ўзингиз контрагентда молиявий манфаатга эга бўлган бирор бир битимда бирор бир ташкилот номидан қатнашганмисиз (қарорни тушунган, шартномани ижро этиш учун масъул бўлган, бажарилган ишларни қабул қилишни тасдиқловчи, тўлов ҳужжатларини расмийлаштирувчи ёки тасдиқловчи шахс сифатида)			
6. Сиз бирор марта “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ ва бошқа корхона орасида ,масалан контрагентга ташкилот билан битим тузганлида кўмаклашгани учун тўлов тўлаш каби тижорат операцияларига ноқонуний ёки ноодатий тарзда таъсир қилиши мумкин деб олинган пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларни олганмисиз?			
7. Сиз бирор марта бевосита ёки учинчи шахслар орқали давлат хизматчиси, ҳукумат органи номзоди ёки сиёсий партия аъзосига асоссиз имтиёз ёки давлат муассасаси томонидан қабул қилинадиган қарор ёки ҳаракатларга таъсир ўтказишига эришиш учун, “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ бизнеси учун янги имкониятларни қўлга киритиш ёки бизнесни сақлаб қолиш мақсадида, уларга тўловларни амалга оширганмисиз, бирор бир тўловни амалга ошириш учун таклиф берганмисиз, пул ёки бирор бир бошқа моддий бойликларни тўлашга рұхсат берганмисиз			

<p>8. Сиз “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ хақидаги маълумотларни бирор бир учинчи шахсларга очиб берганмисиз?</p>	<p>- бу маълумот унинг фонд Биржаларидаги қимматли Қоғозлари қийматига таъсир қилиши мумкин, қачонки, бу маълумот кенг жамоатчилик учун маълум бўлса</p> <p>- ташкилотнинг фонд биржасидаги қимматли Қоғозларининг учинчи шахслар томонидан харид қилиш ёки сотиш мақсадида, сизнинг шахсий манфаат ёки учинчи шахслар манфаати йўлида?</p>		
<p>9. Сиз бирор марта ўзингизнинг шахсий, шу жумладан молиявий манфаатларингиз йўлида бирор бир шахс ёки компанияга ташкилотга тегишли бўлган ёки сизга бирор бир усулда маълум бўлган ёки сиз томонингиздан ўз лавозим бурчларингизни адо этиш жараёнида ушбу ташкилот учун шахсан ишлаб чиқилган бирор бир махфий ахборотни (режа, дастур, молиявий тафсилотлар, формула, технология ва хк.) ларни маълум қилганмисиз?</p>			
<p>10. Сиз бирор марта ўзингизнинг шахсий, шу жумладан молиявий манфаатларингиз йўлида бирор бир жисмоний ёки юридик шахсга “ Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi ” АЖ билан боғлиқ бирор бир бошқа маълумотни ва сизга иш жараёнида маълум бўлган ахборотни очганмисиз?</p>			
<p>11. Сизнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингиз “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ да, шу жумладан сизнинг қўл остингизда ишлайдими?</p>			
<p>12. Сизнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингиз сизнинг иш самарадорлигини баҳолашга таъсир қилиши мумкин бўлган бирор бир лавозимда ишлайдими?</p>			

<p>13. Сиз юқорида келтирилмаган бирор бир бошқа, яъни манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарган ёки ҳамкасбларингизда ва раҳбарларингизда сизнинг манфаатлар тўқнашуви таъсири остида қарор қабул қиласиз деган хулосага келтирувчи вазиятлар тўғрисида биласизми?</p>			
--	--	--	--

*Мен, ушбу билан, юқорида келтирилган барча саволларни ўқиб чиқдим ва тушундим, менинг жавобларим ва бирор бир изоҳ тафсилотлар эса тўлиқ, ҳаққоний ва тўғридир.*

**Жавобдаги изоҳ**

“Ҳа” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Имзо**

## Бўлим-2

*Декларацияда келтирилган тафсилотларнинг хаққонийлиги ва тўлиқлигини текширдим.*

---

---

(Ф.И.Ш., имзоси, лавозими)

**Бевосита раҳбарнинг декларация бўйича қарори (имзо билан тасдиқланг)**

Манфаатлар тўқнашуви аниқланмади	
Мен ушбу вазиятни манфаатлар тўқнашуви деб баҳоламайман, ва декларацияни тўлдирган ходим фикрича, ташкилот манфаатлари билан тўқнашув келтириб чиқариши мумкин	
Мен ходимнинг шахсий манфаатларига алоқадор бўлиши мумкин бўлган ахборотга киришини чекладим (Қайти ахборот эканлигини кўрсатинг)	
Мен (вақтинчалик ёки доимий тарзда) ходимни манфаатлар тўқнашуви таъсири остига тушиши мумкин бўлган масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида ва муҳокамасида қатнашишдан четлаштирдим	
Мен декларация юқори турувчи раҳбарга текшириш ва .....муносабати билан манфаатлар тўқнашувини хал қилишнинг энг мақбул усулини аниқлаш учун топширдим.	

**Ф.И.Ш. имзоси**

“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ  
да манфаатлар тўқнашувида  
харакатлар тартиби тўғрисидаги  
Қоидаларга  
2-Илова

“Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ манфаатлари тўқнашувининг намунавий  
вазиятлари ва манфаатлар

тўқнашувини хал қилиш усуллари

### РЎЙХАТИ

1. жамият ходими, ўзининг меҳнат бурчларини адо этишда, ўзининг яқинлари, дўстлари ёки унинг шахсий манфаати бирор бир усулда боғлиқ шахсларга моддий ёки номоддий фойдани келтириши мумкин бўлган қарорларни қабул қилишда иштирок этади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш

2. жамият ходими ўзининг яқинлари, дўстлари ёки унинг шахсий манфаати бирор бир усулда боғлиқ шахсларга нисбатан кадр қарорлари қабул қилишда иштирок этади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш ёки унинг лавозим бурчлари доирасини ўзгартириш.

3. жамият ходими ёки ходимнинг шахсий манфаати боғлиқ шахс, жамият билан бизнес алоқаларга эга ва бундай алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилаётган ёки унинг рақобатчиси бўлган бошқа ташкилотда пуллик ишни бажармоқда ёки бажариш арафасида.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш; ходимга бошқа пуллик ишни бажаришни рад этишини тавсия этиш.

4. жамият ходими ўзи ёки унинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс истисновий ҳуқуқларга эга интеллектуал фаолият натижаси саналган товарларни жамият дан харид қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш;

5. жамият ходими ўзи ёки унинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс, жамият бизнес алоқаларга ўрнатган ёки ўрнатмоқчи бўлган ёки рақобатчиси саналган бирор бир ташкилотнинг қимматли қоғозларига эгалик қилади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш; ходимга ўзига тегишли қимматли қоғозларни ишончли бошқарувга беришини тавсия этиш.

6. Жамият ходими ўзи ёки унинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс, “Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi” АЖ бизнес алоқаларга ўрнатган ёки ўрнатмоқчи бўлган ёки рақобатчиси саналган бирор бир ташкилот олдида молиявий ёки мулкый мажбуриятларга эга.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш; ходимга молиявий ёки мулкый мажбуриятларни бажаришда кўмаклашиш, масалан: иш берувчи-ташкилот томонидан ссуда бериш орқали.

7. жамият ходими, ёки унинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс олдида бирор бир молиявий ёки мулкый мажбуриятларга эга бўлган ва жамият билаг бизнес алоқалар ўрнатиш (сақлаб қолиш) тўғрисида қарор қабул қилган.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш;

8. Жамият ходими, ёки унинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс, жамият бизнес алоқаларга ўрнатган ёки ўрнатмоқчи бўлган ёки рақобатчиси саналган бирор бир ташкилотдан фойда ва хизматлар олади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимга кўрсатиладиган фойда ва хизматларни рад этишни тавсия этиш, ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш;

9. Жамият ходими, ёки унинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс, ўзининг жамият ўзининг қўли остида ишлайдиган ишчи-ходими ёки унга нисбатан назорат функцияларини бажарувчи бирор бир бошқа ходимдан қимматли совғаларни олади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимга берилган қимматли совғани эгасига қайтиршни тавсия этиш, ва қимматли совғаларни бериш/қабул қилишдан сақланишни тавсия этувчи корпоратив ахлоқ қоидаларини ўрнатиш

10. жамият ходими ўзига ишга қабул қилиш таклифини берган бирор бир ташкилот билан жамият ўртасида бизнес алоқалар ўрнатиш, сақлаб қолиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорни қабул қилишдан четлаштириш

11. Жамият ходими ўз меҳнат бурчларини адо этаётган вақтда унга маълум бўлган маълумотларни ўзи ва ходимнинг шахсий манфаати боғлиқ бўлган бирор бир бошқа шахс фойдаси учун тижорат битимларини амалга оширишда фойда олиш ёки рақобатчи имтиёзлар олиш учун ишлатади.

Мумкин бўлган тартибга солиш усуллари: ходимларга уларга ўз меҳнат бурчларини адо этаётган вақтда унга маълум бўлган маълумотларни ўз шахсий мақсадларида очишни ва ишлатишни таъқиқловчи корпоратив ахлоқ қоидаларини ўрнатиш.

## Корпоратив бошқарув Кодексини жорий этишга тайёрлаш бўйича

### Ишчи гуруҳ:

Ишчи гуруҳ Раиси:

Молия директори

---

Ишчи гуруҳ аъзолари:

Ишчи-ходимларни назорат  
қилиш ва бошқариш бўйича  
Директор

---

Юридик хизмат Раҳбари

---

Ички аудит хизмати Раҳбари

---

Корпоратив Маслаҳатчи

---